# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 120 (8.855) ◆ 1996 йил ◆ 9 октябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

*Иқтисод ва ҳаёт*

## БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 1-Тошкент тажриба-экспериментал механика заводи бир неча йилдан бери қурилиш ва автохўжаликларга минорали ва автокранлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Бу ерда кейинги вақтларда фаолиятни янада ривожлантириш сари дадил қадамлар қўйилмоқда. Муассаса, ташкилотлардан тушаётган буюртмаларга кўра, металлдан ясаладиган буюмларни ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Темир эшиклар, ромлар, панжара ва икки табақали кенг дарбозалар шулар жумласидандир.

Айни чоғда корхона «Чорсу» меҳмонхонаси орқасида қад кўтараётган катта спорт комплекси учун темирдан ишланган махсус деворлар тайёрлаб, ўрнатмоқда. Ҳозир асосий куч ўша ишларга сафарбар этилган. Корхонада катта тажриба йиғган устоз ишчи ва хизматчилар иш маромини сира бўшаштирмай, топшириқларни ортиғи билан бажармоқдалар. Бу ерда ишчиларга, мутахассисларга ишбай ҳақ тўланади.

Ҳозир ишчи-мутахассисларга имтиёз сифатида уларнинг тушликлари бепул қилинди. Ҳар ойда мукофот пуллари бериладиган бўлди. Бундан ташқари ёрдамчи хўжаликда етиштириладиган помидор, бодринг, бақлажон ва шунга ўхшаш сабзавотлар ҳисобидан ходимлар эҳтиёжлари қондирилмоқда. Ишчи-хизматчиларни уйдан олиб келиш, ишхонадан уйга элтиб қўйиш каби юмушлар учун автотранспорт ҳам ажратилган. Булардан ташқари корхонада кичик корхона, ижара пудратидаги цехлар ҳам барпо этилган.

Бу тадбирлар ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлаяпти. Корхона тасарруфида болалар боғчаси, оромгоҳи мавжудлиги ҳам ишчи-мутахассисларнинг ҳалол ва сидқидилдан ишлашларига, унумдорлик ошишига шароит яратмоқда.

Зоҳид ТОИРОВ.



*«Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда буюртма асосида ҳам ишлар бажарилаётир.*

*СУРАТДА (ўнгда) илғор ишчи Виталий Селезнев.*

***

*Чапдаги суратда енгил металл конструкциялари заводи ишчиларидан уста Геннадий Яковенко ва бригадир Виктор Лисаковлар тасвирланган. Улар бозорларнинг томи учун махсус тайёрланган мосламаларни назоратдан ўтказишмоқда. Шаҳримиздаги янги қурилган барча бозорларга мана шундай маҳсулотларни шу корхона ишлаб чиқариб, ўз вақтида таъминлашга муваффақ бўлишди.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



## НАШР ИШЛАРИ ОСОНЛАШМОҚДА

Компьютер тизимида ишлаш ноширликда ҳам қўл келяпти. Шу боисдан «Нур» нашриёти яқиндан бошлаб худди шундай усулда иш юрита бошлади.

— Компьютерлар ўрнатилганда кейин, энг аввало шовқиндан ҳоли бўлдик, — дейди нашриёт директори Абдуқаҳҳор Ўктамов. — Босмахона ишлари, айниқса Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мутасаддиларининг ўқув қўлланма учун топширган ишлари жуда бежирим ва қисқа вақт ичида китоб ҳолида чиқариб берилди. Институт қошида бўлиб ўтган халқаро конференция муносабати билан дастлабки компьютердаги ишимиз «Буюк ипак йўли. Табиий ипакни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг илмий асослари» мавзусидаги конференция материаллари 250 дона илмий қўлланма тариқасида ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилди. Профессоримиз М. Муҳамедовнинг «Буюк ипак йўли» номли брошюрасидан ҳам қўлланма тариқасида 160 дона чиқардик. Шунингдек, Ўзбекистон Олий ва махсус ўрта таълим вазирлиги буюртмаси асосида «Ўзбекистон: 5 йил демократия асосида ва бозор ислоҳотлари йўлидан» номли брошюра ҳам чоп этиш учун тахт қилиб қўйилди. Бу буюртмадан 8 минг дона чиқариб берамиз. Ноширлик ишларининг барчаси компьютер ёрдамида бажарилмоқда.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

*Шаҳар йўловчи транспортида*

## ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг пойтахтимиз автокорхоналарида хизмат маданиятини ошириш, жамоат транспорти қатновини яхшилаш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 3-автобус саройида ҳар куни 150 та автобус 23 йўналиш бўйича эл хизматига чиқади. Автосаройга 14 та янги «Мерседес» автобуслари олинган бўлиб, ҳозир бу ерда уларни таъмирлаш марказини очиш ҳаракатлари кетмоқда. Энг муҳими шундаки, бу ерда шаҳарда биринчи бўлиб электрон касса аппаратлари жорий этилиб, касса-чек тизими фаолият кўрсатмоқда. Автокорхонада «Фотон» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг касса аппаратлари ўрнатилиб ходимлар ҳам шу корхонада ўқитилиб, иш бошлаганлар.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ташаббуси билан 3-автосаройда ўтказган кенгайтирилган йиғилишда ҳам пойтахтдаги барча йўловчилар ташиш корхоналарини чипта тизимига ўтказиш, кондуктор билан таъминлаш, касса аппаратларини жорий этиш бўйича қилинаётган ишлар, компьютерлаштириш, электрон кассалар тизимини тадбиқ этиш юзасидан жойлардаги тажрибалар тўғрисида гап борди. Шаҳар йўловчи транспорти корхоналари раҳбарлари 3-автосаройда қилинаётган ишларга юқори баҳо беришди.

Ҳозир шаҳримиздаги автокорхоналар учун хориждан рулонли билет чиқариш анжомлари сотиб олинди. Аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида эса жорий йил охиригача яна 100 та «Лаз», 65 та «Мерседес» автобуслари, кўплаб «Шкода», «Зил» троллейбуслари олинади.

Даврон НУРМУҲАМЕДОВ.

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Тошкентда 7 октябрь куни Пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади. Унинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

❑ Андижон вилоятининг Марҳамат тумани пахтакорлари республикада биринчи бўлиб давлат буюртмасини бажардилар. Қабул пунктларига 18,5 минг тонна пахта етказиб берилди, ҳозиргача ҳар гектар майдондан ўртача 27,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

❑ Индонезия савдо-саноат палатаси раиси, «Бакри групп» компанияси раиси Абуризол Бакри бошчилигидаги делегация аъзолари кеча Бош вазир ўринбосарлари Комилжон Раҳимов ва Виктор Чжен билан учрашиб, меҳмонхоналар хизмати, алоқа тармоқларини ривожлантириш, телефон кабеллари, чиқиндилардан турли материаллар ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

❑ Кеча Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси шароитига мос келадиган номарказлаштириш» мавзуида тўрт кунлик халқаро семинар иш бошлади.

❑ Тожикистоннинг Тошкентдаги элчихонасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Россиядаги айрим оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига рахна солувчи чиқишларига Тожикистон ҳукуматининг муносабати баён қилинди. Хусусан элчи Тожиддин Мардонов Россиянинг баъзи газеталарида эълон қилинган мақолаларни мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва қардош халқларимиз азалий биродарлигига рахна солиш мақсадида тўқиб чиқарилган бўҳтон, деб баҳолади.

❑ Ўзбекистонда НАТОнинг «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасида Ўзбекистон билан АҚШ ҳарбий-хизматчиларининг «Ультрабаланс—96» ҳарбий-тактик машқлари бўлиб ўтди.

❑ Пойтахтнинг Ҳамза туманида «ЎзДЭУавто» автомобилларини сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди.

❑ Самарқандда 64 хонали шашка бўйича учинчи жаҳон биринчилиги бошланди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Яқинда Арманистонда президент сайловларида мағлубиятга учраган Вазген Манукян мамлакат конституциявий судига бу сайловлар якунини қайта кўриб чиқиш талаби билан мурожаат қилди.

❑ Грузияга БМТ Бош котибининг махсус вакили Бруннер келди. У Грузия президенти Э. Шеварднадзе ва Абхазия президенти В. Ардзинба билан учрашади.

❑ Белоруссия президенти Александр Лукашенко мамлакат парламенти билан муросага келишга тайёрлиги тўғрисида баёнот берди. Шу мақсадда у парламентга ўзининг янги таклифларини тақдим этиш ниятида.

### ХОРИЖДА

❑ АҚШда 15 ноябрда бўладиган президент сайловлари якунловчи босқичга кирди. Анъанага кўра давлат раҳбари лавозимига номзодлар — ҳозирги президент Билл Клинтон ва унинг рақиби, республикачилар етакчиси Боб Доул телемусоҳаба ўтказдилар. Билл Клинтон ўзининг маъмурияти тўрт йиллик фаолияти давомида мамлакатда 10,5 миллион янги иш жойи ташкил этгани, давлат бюджети камомадини илк бор 60 фоизга камайтиргани аввал моддий ёрдам олаётган 2 миллион киши ишлай бошлагани, полициячилар сони 100 минг нафарга кўпайганлигини айтиб, кузатувчилар фикрича, бу телемусоҳабада рақибидан анча устунлигини яна бир бор намойиш этди.

❑ Қозоғистон Бош вазири А. Кажигелдин Чехияда расмий ташриф билан бўлиб, бу мамлакат билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида бир нечта битимларни имзолади.

❑ Хитой XX аср охиригача космик фазога асосан мудофаа мақсадларида яна 20 та Ернинг сунъий йўлдошини чиқаришни мўлжалламоқда.

❑ Шимолий Ирландияда яна бомбалар портлай бошлади. Буюк Британия қуролли кучларининг бу ердаги қароргоҳида иккита бомба портлаши оқибатида 30 дан кўпроқ киши жароҳат олди.

*«Камолот» ташкилотларида*

## ШОГИРДЛАР УСТОЗЛАРНИ ҚУТЛАДИ

«Камолот» жамғармаси Яккасарой тумани бўлимида тумандаги ўрта мактаблар билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиш яхши анъанага айланган. Кўплаб мактабларда жамғарма ҳомийлигида очилган турли тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Тўгарак раҳбарларига маош ва бошқа зарур ҳаражатлар «Камолот» ҳисобидан тўланади. Шунингдек, ёшлар жамғармаси устоз-муаллимларнинг ҳам заҳматли меҳнатларини муносиб тақдирлаб, улар учун турли маданий, дам олиш тадбирларини уюштиришга катта эътибор бермоқда. Яқинда туман мактабларининг бир гуруҳ муаллимлари «Самарқанд» кафесига таклиф этилиб, севимли устозларга қизиқарли маданий дастур намойиш этилди. Маориф ходимлари бир пиёла чой устида буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти, у обод этган Самарқандда яратилган маданий-маърифий муҳит ҳақида қизғин суҳбат уюштирдилар. Тарихимизга оид қизиқарли топишмоқ-ўйинлар ҳам устозларга янада хуш кайфият бахш этди.

— Меҳмонларни «Самарқанд» кафесига чорлашимизнинг сабабларидан бири — бу ерда ишланган гўзал миллий безак ва нақшлар, яратилган шинам муҳит ҳам «темурнома» суҳбатларига кўпроқ «турткн» беради, — дейди «Камолот» жамғармаси Яккасарой тумани бўлимининг раиси Мавлуда Раимжонова. — Устозлар даврасида ўтган бундай маърифий суҳбатлар руҳи тезда синфларга — ўқувчилар қалбига кўчиши шубҳасиз.

Беҳзод ЭГАМОВ.

*Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари*

## БАЙРАМГА ЖЎР БЎЛДИ

Европа ҳамда бутун жаҳонда бой маданий ва маънавий мероси билан юксак обрўга эга бўлган Германиянинг Ўзбекистонда биринчи бор ўтказаётган маданияти кунлари ривожланган давлатларнинг мустақил республикамизга эътиборлари янада ортаётганидан далолат беради. Ҳафталикдан мусиқа, театр, кино санъати, адабиёт, немис шарқшунослиги, жамиятшунослик масалалари ва турли кўргазмалар кенг ўрин олган.

Ушбу тадбир доирасида Жаҳон тиллари университети немис филологияси факультетида Германия Федератив Республикасининг бирдамлик кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечада факультет ўқитувчилари ва талабалари сўзга чиқдилар. Факультет декани Шавкат Каримов немис халқининг бу байрами ҳақида гапирди.

Германияда таҳсил олиб келган талабалар ўз таассуротларини талабалар ва ўқитувчилар билан ўртоқлашдилар.

Тўйчи РЎЗИБОЕВ.

## НЕМИС ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари доирасида Киночилар уйида энг сара немис фильмларининг намойиши бошланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг раиси Темурмалик Юнусов Германия Федератив республикаси киносининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таниқли намояндалари хусусида сўзлади. Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг маданият масалалари бўйича референти жаноб Шимандель немис киноси намойиши ўзбек томошабинларига Германия маданияти билан янада яқинроқ танишиш имконини беришини алоҳида таъкидлади.

Йиғилганлар XIX-асрдаги Германия ҳаётининг муҳим нуқталари ҳақида ҳикоя қилувчи «Каспер Хаузер» фильмини мароқ билан томоша қилишгач, ушбу лента режиссёри Петр Зеер иштирокида қизиқарли мунозара бўлиб ўтди.

Германия маданияти кунлари доирасида Киночилар уйида яна тўрт немис фильмлари намойиш этилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

*Ўқув масканларида*

## ИСТЕЪДОД РАҒБАТИ

Тошкент индустриал-педагогика техникумида талабаларга касб маҳорати сирларини чуқур ўргатиш мақсадида турли клублар ва спорт тўгараклари фаолияти кенг йўлга қўйилган.

— Ёшлик, талабалик йиллари кишида спорт ва санъат билан шуғулланиш, янгиликларни тезда ўрганишга чанқоқ давр бўлади, — дейди техникум директори, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эргаш Ғофуржонов. — Ана шу вақтда бўлажак мутахассислар ўзларининг севимли машғулотлари билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилса, янги истеъдод қирралари очилиши, ёки ҳеч бўлмаганда танлаган касб-ҳунарларини пухта эгаллашлари учун мустаҳкам замин бўлиши шубҳасиз. Шу мақсадда бир қанча клуб ва тўгаракларни зарур жиҳозлар билан таъминлаб, талабалар ихтиёрига бердик. Масалан, бўлажак чеварлар учун «Юлдузлар» деб номланган модалар театри ишлаб турибди. Бу ерда улар ўз соҳаларидаги энг илғор янгиликлар билан танишишлари, ўзлари яратган янги либосларни намойиш этиб, ҳатто тикувчилик фабрикалари билан шартномалар ҳам тузишлари мумкин. Кўргазмага тез-тез шаҳардаги корхоналарнинг мутахассислари таклиф этиладилар. Шунингдек, ёш мусаввирлар кўргазмаси, компьютер хонаси, бадиий санъаткорлик тўгараклари ҳам талабаларнинг севимли машғулот масканлари ҳисобланади. Спорт билан шуғулланиш учун ўқув юртида кенг имкониятлар мавжуд. «Алпомиш», «Амир Темур», «Паҳлавон» клублари, кураш ва бокс заллари ишлаб турибди. Шунингдек, техникумда пойтахт ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб республика фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги махсус бўлинма тузилган. Ушбу бўлинма аъзолари бўлган талабалар ҳарбий хизматга пухта тайёрланиш билан бирга қўриқлаш хизмати, жамоат тартибини сақлаш каби тадбирларда ҳам қатнашадилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

## ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Ҳамза номли академик драма театрида ўқув юртлари муаллимлари, олимлар ва зиёлиларнинг санъаткорлар билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Ғани Аъзамов, Турғун Хонтўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Пўлат Носиров, Малика Иброҳимова ва бошқа санъаткорлар спектаклардан ва саҳна асарлардан парчалар, буюк алломаларимиз ижод намуналаридан ижро этишди. Ватан, дўстлик, зиёлиларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар, ижодий мулоқот йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

*Халқаро анжуман*

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ АНЪАНАЛАРИ

Республика Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон Олий ва махсус ўрта таълим вазирлиги, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ҳамкорликда улуғ аждодимиз, соҳибқирон ва маърифатпарвар Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Буюк ипак йўли»: табиий ипак технологиясининг илмий асослари» мавзуида халқаро илмий-техникавий конференциясини ўтказдилар. Анжуманда фақат ипак технологиясини муҳокама қилиш билан чекланмай, ҳозирги замон тўқимачилик, енгил ва пахта тозалаш саноати технологияси муаммолари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Анжуманда ўндан ортиқ хорижий мамлакатлардан вакиллар қатнашди. Унинг ялпи мажлисида Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси раисининг ўринбосари У. Акбаров «Мустақил Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатининг ҳозирги аҳволи, унинг ривожланиш истиқболлари», Япониядаги «Канэбо Синк—Элеганс» фирмасининг президенти Тацуо Ямадзаки «Япон ипакчилиги ва саноатининг тарихи», шу фирманинг директори Сукесиге Арата «Япония ипакчилик саноатининг технологиясини чет элларга бериш масалалари», турк олими Энер Нариман «Экологик муҳит ва экотекстиль ишлаб чиқаришнинг афзалликлари», Швейцариядан «Зульцер Рюти» фирмаси экспорт бўлимининг бошлиғи Эрнест Фрай «Зульцер Рюти» фирмасининг янги тўқувчилик дастгоҳлари», Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори, профессор Ҳ. Алимова «Табиий ипакни қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологияси», Иваново тўқимачилик академиясининг проректори В. В. Эрюкин «Россия тўқимачилик саноатининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболи» ҳақида қизиқарли, асосли, мулоҳазаларга бой, мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилган маърузаларида ҳозирги замон ипакчилик технологиясини ривожлантиришга доир муаммоларни қўйдилар. Шунинг билан бирга ялпи мажлисда «Буюк ипак йўли»нинг тарихдаги ўрни, уни ҳозирги кунда ўрганишнинг аҳамияти кўрсатиб берилди.

Анжуманнинг 3 та шўъбага бўлинган мажлисларида 160 дан ортиқ маърузалар тингланди. Шундан 20 дан ортиғи хорижий мамлакатлардан келган олимлар, турли фирмаларнинг раҳбарлари ва тўқимачилик технологиясини янгилаш устида иш олиб бораётган мутахассисларнинг маърузалари эди.

Шўъба йиғилишларида Ўзбекистонда ипак технологиясининг муҳим масалалари бўлган тут дарахтлари навлари, ипак қурти ва унинг тухумини яхшилаш, ипак қурти ва тут дарахти касалликларининг олдини олиш, Ўзбекистоннинг пиллакашлик фабрикалари ва ипак газламалари ишлаб чиқарувчи корхоналарига янги технологияни киритиш диққат марказида бўлди.

Айниқса жаҳон бозорига рақобатбардош табиий ипак маҳсулотлари билан чиқиш, ипак маҳсулотларининг турини кўпайтириш, республикада чиқиндисиз технология яратиш малакаларига катта эътибор берилди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон енгил саноатининг тўқувчилик, тикувчилик фабрикаларида янги технология жорий қилиш масалалари, бу соҳада Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг олимлари олиб бораётган ишлар акс эттирилди.

Конференциянинг тўқимачилик хом ашёсини дастлабки ишлаш шўъбасида пахта тозалаш заводларининг технологиясига доир кўпгина қизиқарли маърузалар тингланди. Шу билан бирга «Буюк ипак йўли»нинг тарихи, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва маърифат ривожлантирилиши масалалари ҳақида гап борди.

Халқаро анжуманда ҳозирги замон ипак технологияси, тўқимачилик, енгил саноат ва пахта тозалаш саноати технологиясини ривожлантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жамолиддин АКБАРОВ,

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг проректори, техника фанлари доктори, профессор.*

*Нашриёт тухфалари*

## ТАРИХИЙ-МАЪРИФИЙ АСАРЛАР

Пойтахтимизда кенг кўламда фаолият юритаётган ижарадаги Тошкент матбаа-ишлаб чиқариш комбинати жамоаси ҳам буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд кунига 660 йил тўлиши муносабати билан муносиб совғалар тайёрлади.

Шу хусусда комбинат директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Рихсивой Мусаев қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўтган йиллар мобайнида ҳам соҳибқиронимиз Амир Темур ҳақида бир қатор тарихий-маърифий, бадиий-публицистик асарлар босилиб чиқиб, дунё юзини кўришида ҳиссадор бўлганмиз. — Аммо биз бу ишлар билан қониқиш ҳосил қилганимиз йўқ. Айни пайтда ҳам ана шундай асарларни чоп этишдан, халқимизга туҳфа қилишдан чарчаётганимиз йўқ. Баъзан иш кунларини бироз чўзиш, қўшимча ишлаш ҳисобига режаларимизни муддатидан илгари бажаришга эришаяпмиз. Яқинда босмахонамизда чоп этилган «Ёзувчи» нашриёти буюртмасига кўра, Дадабоевнинг «Амир Темур», А. Қаюмовнинг «Амир Темур қиссалари», Ғафур Ғулом нашриёти буюртмасига кўра, Қодировнинг «Темур ва темурийлар», Л. Кереннинг «Темур тузуклари» каби сара асарлар ўз мухлисларига, ўқувчиларига етиб борган бўлса ажаб эмас. Таваллуд кунлари арафасида эса, «Ўзбекистон» нашриёти буюртмасига кўра, Шомийнинг «Зафарнома», Сатторийнинг «Амир Темур севган юрт» асарлари чоп этилиб, китобхонлар оммасига туҳфа қилиниши кўзда тутилган. Булардан ташқари ҳар хил корхона, муассаса ва ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, соҳибқирон номи, сурати туширилган ранг-баранг иш папкалари, буклетлар, таклифнома ва тақвимлар чоп этилмоқда.

## БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

Чўлпон нашриёти ҳақиқатдан ҳам биринчилардан бўлиб Амир Темур ҳақида ёзилган қўлёзмалар, чет элларда босилган китоблар ва шунга ўхшаш маълумотлар йиғишга киришиб, соҳибқироннинг ҳаёти ва сабоқлари ҳақида янги-янги асарлар чоп этишни бошлаб юборди.

— Амир Темур шахсига боғлиқ илк асарлар дастлаб бизнинг ташаббусларимиз билан китоб ҳолида босилиб, дунё юзини кўрди, китобхонга бор ҳақиқатни аён этди, — дейди нашриётнинг бош муҳаррири ўринбосари Аъзам Ўктам. — «Темурнома» (Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб), «Бобурнома», рус тилида нашр этилган «Уложение Тимура» асарлари билан мухлисларимизни мамнун этгандик. Бу китоблар жуда кўп нусхаларда босилиб, халқимизнинг кўнгил мулкига мулк қўша олганимиздан шубҳамиз йўқ. Амир Темурнинг 660 йиллик тантанаси арафасида яна бир асарни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз. Бу асар туркиялик ёзувчи Исмоил Аканинг қаламига мансуб бўлиб, «Буюк Темур давлати» деб номланган. Ҳадемай, мазкур китоб ўз мухлисларига эга бўлади.

Латиф ЗАМОН.

